45 (479)
2005 йил 9 ноябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Болалар спорти: ютуқлар ва режалар
▶ Кўрпача қуйдию, уйдирма урчиди...

3
▶ Кўпқаватли уйдаги кўп можаролар...
▶ Йўллар равон, одамлар меҳрибон...

4
▶ Фаол аёл — замона зийнати
▶ Мухлис меҳри — санъаткорга қувват!

Наманган вилояти

Обуна-2005

МАҲАЛЛАГА "Mahalla" КЕРАК

Маҳалла бугун қизғин ҳаёт манзилига айланди. Чунки илгарилаб бораётган турмушимизнинг барча муаммолари мана шу жойнинг ўзида ҳал этилмоқда. Одамлар ўзлари истиқомат қиладиган маҳаллага эътиқод, меҳр-муҳаббат билан қараб, унинг обод бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

"Mahalla" газетасида ана шундай бунёдкорлик, қизиқарли жараёнлар тўлақонли ёритиб борилмоқда. Мен буни газетанинг биринчи сонидан бошлаб ўқийдиган муштарий сифатида айтмоқдаман.

Шу йил, газета саҳифаларида маҳалла учун зарур бўлган жуда кўплаб меёрий ҳужжатлар эълон қилиндики, биз улардан фаолиятимизда дастуруламал сифатида фойдаланяпмиз.

Газетанинг қиёфаси ва унда эълон қилинаётган мақолаларнинг мазмуни тобора яхшиланиб бормоқда. Бу мақолалар долзарблиги ва ҳаққонийлиги билан муштарийлар қалбига тез етиб боради. Шу боис биз газетхонлар "Mahalla"да ишлаётган ижодкорлар билан учрашиб, ўз фикр-мулоҳазаларимиз ва таклифларимиз билан ўртоқлашсак, деймиз.

Туманимизда кўпчилик "Mahalla" газетасини севиб мутолаа қилади. Бу йил обуначилар сони юз-тага етган бўлса, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларимиз билан маслаҳатлашиб, келгуси йил учун икки юзтага обуна бўлишни режалаштирганмиз. Ниятимиз "Mahalla" янада мазмунли бўлиб, мухлислари сонини ошираверсин.

Сиддиқжон НАСРИДДИНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Уйчи тумани бўлинмасининг раиси.
Узоқбой САКСОНБОЕВ уюштирди.

— Яна нима дейди?
— Кўрпача баҳонасидаги хурмача қилиқни кўринг, — дейди.

8 ноябрь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

СПОРТ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2004 йил август ойидан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда спорт инфратузилмасини барпо этиш ҳамда болаларни спортга оммавий жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби, шунингдек, Жамғарманинг 2005 йилги бюджети бажарилиши ва 2006 йилги тушумлар, харажатлар прогнози, болалар спорти иншоотларини зарур жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш, уларни республикамизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантиришда маҳаллий ҳокимлик органларининг роли ва масъулиятини оширишга доир масалаларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Жамғарма энди тузилган кезларда унинг ҳаётимизда тутажак катта ўрнига унчалик ишонмаганлар ҳам бўлган эди, деди Президентимиз. Лекин ўтган вақт мобайнида Жамғарма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг аҳамиятини нафақат жойларда спортни ривожлантириш тимсолида, балки муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, фарзандларимизнинг имон-иродасини мустаҳкамлаш, мустақил дунёқарашини шакллантириш, уларнинг онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини қарор топтиришдек юксак мақсадларимизни рўёбга чиқаришда кўмаклашиш билан ҳам исботлаб турибди.

Спорт фарзандларимизнинг характерини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Зеро, ғурур, фахру ифтихор инсон учун ўз мақсадларига эришишда мадад бўлади.

Жорий йилда мамлакатимизда болалар спорти иншоотларини барпо этиш борасида режалаштирилган 155 иншоотдан 153 таси фойдаланишга топширилди. 2004-2005 йилларда янги қурилган 101 болалар спорти иншооти бир миллиард 22 миллион сўмлик спорт ашёлари билан жиҳозланди. Ўтган йили болалар спорти иншоотларини жиҳозлаш учун 47 хил анжом хориждан келтирилган бўлса, бу йил шундан 31 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Келгуси йил дастурида 162 болалар спорти иншоотида қурилиш ишлари олиб бориш режалаштирилган.

Шу билан бирга, Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Спорт иншоотларини қуриш бўйича тендер савдоларини ўтказишда пудратчи ташкилотларнинг моддий-техника таъминоти, молиявий ҳолатига етарлича эътибор берилмаяпти. Айрим вилоятлардаги ягона буюртмачи қурилиш ташкилотлари спорт иншоотларини топшириш муддатини асоссиз чўзиб, сифатини қониқарсиз бажармоқда. Баъзи ҳолларда янги спорт масканлари тўла қувват билан ишламаяпти ва спорт жиҳозларидан самарали фойдаланилмаяпти. Оммавий спорт турлари учун зарур жиҳозларни, айниқса, футбол ва волейбол тўпларини, шунингдек, югуриш йўлаклари ва спорт майдонлари сунъий қопламаларини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳалигача тўла йўлга қўйилмаган.

Давоми 2-саҳифада

Маҳалла майдонида

"ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" — КЕЛАЖАГИМИЗ КЎЗГУСИ

Ушбу йилда бу турнирда ярим миллиондан ортиқ болалар қатнашди

Бугун инсон саломатлигида, ёш авлод камолотида спортнинг аҳамияти нечоғлик юксак эканлигини ортиқча изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Негаки, кўпчилик юртдошларимиз спорт билан шуғулланишни айни пайтда кундалик эҳтиёж сифатида қабул қиладилар. Айниқса, ёшлар орасида спорт ниҳоятда кенг оммалашиб кетди. Бунда бевосита ҳукуматимиз, Юртбошимизнинг алоҳида эътибор қаратганлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Бундан бир неча йил аввал Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан, Республика Ички ишлар вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси ва бошқа кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида анъанавий турнир сифатида йўлга қўйилган "Футболимиз келажаги" турнири мусобақалари ҳам кўплаб спортсевар болалар ҳамда ўсмирларни ўз атрофига бирлаштириб келмоқда.

Айтиш жоизки, ушбу анъанавий турнир мусобақалари 4 босқичда ўтказилади. Биринчи босқич беллашувлари маҳаллаларда ташкил этилиб, ғолиб жамоалар иккинчи босқичда туман ёки шаҳар биринчилиги учун майдонда тўп сурадилар. Учинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблиги учун кечади. Ўз навбатида ушбу босқич мусобақаларида ғолиб деб эътироф этилган маҳалла жамоаси турнирнинг сўнгги — республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритади ва гуруҳларга бўлиниб финалга чиқиш учун баҳс олиб борадилар.

Давоми 2-саҳифада

Воқелик ва тафсилот

ЁНГАН — КЎРПАЧАЮ, БУРҚСИГАН — "ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ"

Ҳар кимнинг ўз ишини холислик нуқтаи назаридан қилганига нима етсин. Аслида ҳаётнинг қонуни ҳам шу. Буни билмаган, англамаган одам йўқ. Бордию билмаган одам бўлса ҳам, унинг ақлу шуури соғломлигига шубҳа қилавериш мумкин. Жумладан, бу оддий ҳақиқатни бугунги кунда ўзларини "инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси" деб атаётганлар (гўёки бошқалар фақат инсон ҳуқуқларини бузувчилар), уларнинг бўҳтонларини иштиёқ билан тарғиб қилувчи баъзи бир хориж ОАВ ходимлари ҳам билишади. Фақат унга амал қилишмайди, чунки уларнинг тирикчилик манбаи бунга амал қилмасликдан, худди шу ҳақиқатни тескари ағдариб кўрсатишдан юзага келади. Шу боисдан бугун жаҳондаги тўғри фикрловчи инсон борки, ҳар бир қилган хайрли ишидан сўнг ўша "ҳуқуқ ҳимоячилари" томонидан бу иш қандай тарзда бузиб талқин қилинар экан, деган ўй билан юради.

Кейинги пайтга келиб Ўзбекистондаги худди шундай "ҳуқуқ ҳимоячилари" шов-шувли, ҳукумат ва халқнинг шаънига тегадиган гап тополмай қолганларида сўнгги чора сифатида ўзларини шарманда қилиш эвазига манфаат кўришдан ҳам тийилолмаяптилар. Масалан, шундай бир хонимнинг қизи хуштори билан овора бўлиб, кечаси уйига келмай қолди, яна бир хорижий ОАВ мухбири бўлган хонимча оиласи бор эркак билан "дон олишиб" юриб, "рақибаси"нинг қариндошлари томонидан калтакланди, касалхонага тушди, яна бир шундай "ҳимоячи" халққа, ўз маҳалласи шаънига ҳақорат айтгани учун қўни-қўшни ўртасида гап-сўзга қолди. Буларнинг ҳаммаси "инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари"га қарши ҳукумат ёки ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан уюштирилди, деган туҳматни қўшиб талқин қилинса бўлди, улар ўзлари ютаётган луқмани оқлаган ҳисоблайдилар. Бу туҳмат-ку, бунинг учун Аллоҳ олдида, қонун олдида жавоб бериш бор-ку, деган хулоса уларга ёт.

Давоми 2-саҳифада

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА, БУТУН ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлмиш Тошкент ахборот технологиялари университетининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳозирги пайтда қайси замонавий соҳа ёки тармоқни олмайлик — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш тизими бўладими, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий масалалар ёки фан-техника, маданият ривожи бўладими — буларни барчасининг тараққиёти негизида авваламбор телекоммуникация ва ахборот технологиялари турганини энг илғор давлатлар ва умуман, дунё тажрибаси мисолида кўриш ва англаш қийин эмас.

Бундай ўта муҳим ва стратегик соҳани жаҳон андозалари ва талабларига мос равишда тезкор суръатлар билан ривожлантиришда бугунги кунда юқори малакали кадр ва мутахассислар тайёрлаш масаласи биз учун ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ғоят долзарб вазифага айланмоқда.

Буни барчамиз — энг юқори вазифадан тортиб қуйи бўғинда ўтирган раҳбарларгача, олиму мутахассислардан тортиб оддий фуқароларимизгача яхши англаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Бундай мураккаб ва ғоят масъулиятли вазифани ҳал этишда Тошкент ахборот технологиялари университетининг бу соҳадаги таянч олий ўқув юрти сифатида ўрни ва аҳамияти улкан, албатта.

Шу боис Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг биз телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасига, жумладан, мазкур олий ўқув юрти ривожига нақадар жиддий эътибор бериб келаётганимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Айниқса, университет фаолиятини давр талаблари асосида такомиллаштириш, унинг илмий-педагогик салоҳияти, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Қарши ва Урганч шаҳарларида филиалларини ташкил этиш бўйича амалга оширган салмоқли ишларимиз бугун ўз ижобий натижасини бераётгани эътиборга молик.

Айни пайтда жаҳон миқёсида ахборотлаштириш жараёнлари тобора глобаллашиб, бу борадаги рақобат кучайиб бораётган, ахборот наинки товар, балки кучли мафкуравий қуролга айланаётган ҳозирги шиддатли замонда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, бу йўналишда янги-янги вазифаларни олдимизга кескин қилиб қўймоқда.

Шу борада биз иқтисодиётимизнинг негизини белгилаб берадиган машинасозлик, электроника, самолётсозлик, енгил саноат, теле-радио алоқа, коммуникация, банк-молия тармоқлари учун, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча жабҳалари учун зарур бўлган юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз даркор.

Шулар қаторида бугун ҳаётимизга чуқур кириб бораётган интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим.

Ана шундай муҳим ва долзарб вазифаларни адо этишда университетнинг кўп миллатли ўқитувчи ва профессорлар жамоаси, изланувчан талабалари ўзларининг билим, истеъдод ва тажрибаларини аямасдан меҳнат қиладилар, деб ишонаман.

Сиз, азизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш, олий таълим тизимини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, илмий-тадқиқот соҳасида эришаётган ютуқлари ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ"

АРИПОВ Хайрулла Кабилович — Илмий ишлар бўйича проректор

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мамлакатимиз алоқа ва ахборот-коммуникация тизимини жаҳон андозалари асосида ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган салмоқли хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ордени билан

ТУРСУНХОДЖАЕВА Тамара Зикруллаевна — Телематика тизимлари кафедрасининг катта ўқитувчиси

"ДЎСТЛИК" ордени билан

КОЗЛОВ Валентин Алексеевич — Электр занжирлари назарияси кафедраси катта ўқитувчиси

РАДЖАБОВ Бахтиёр Шарипович — Информатика кафедраси мудири

СОН Владимир Мунхович — Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари кафедрасининг профессори

"ШУҲРАТ" медали билан

ЛИКОНЦЕВ Дмитрий Николаевич — Антенна-фидер қурилмалари кафедраси мудири

РАДЖАПОВА Раъно Нуриддиновна — Телекоммуникация узатиш тизимлари кафедраси катта ўқитувчиси

ФАЗИЛЖАНОВ Исмаил Рустамович — Радиотехника ва радиоалоқа кафедрасининг катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 ноябрь

СПОРТ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Бугунги кунда замонавий корхоналаримизда сифатли болалар спорти жиҳозларини кенг кўламда ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш даркор, деди Ислом Каримов. Бунинг учун, биринчи навбатда, янги болалар спорти иншоотларини жиҳозлаш учун тавсия этиладиган спортнинг ҳар қайси тури бўйича энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталогини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ҳар бир спорт масканининг асл мақсад ва йўналишидан келиб чиқиб иш кўриш лозим. Яъни, профессионал спортчи ёшларни тайёрлайдиган спортзалларда профессионал маҳоратни оширадиган спорт анжомлари ўрнатилиши зарур. Умумий ўрта таълим мактаблари спорт масканларини эса болаларга мос спорт анжомлари билан жиҳозлаш лозим.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузишдан асосий мақсад — истиқлолнинг илк йилларидаёқ белгилаб олинган буюк мақсад-муддаоларимизга, қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ комил авлодни тарбияламай туриб эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийин. Мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларимизни турли салбий таъсирлардан асраш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш даркор. Масаланинг моҳиятини ана шу тарзда чуқур англаш учун, даставвал, бугунги вазиятга, бугунги аҳволга тўғри, холис баҳо бериш лозим.

Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, болалар спорти мураббийларини, хусусан, хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш каби долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу масалаларни самарали ҳал этиш борасида мутасаддди раҳбарлар болалар спортини ривожлантириш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини теран англаб олмоғи даркор.

Ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси — мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Болалар спортини ривожлантириш борасида бошлаган ишларимиз ўзини оқлади, деди Президентимиз. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл урганмиз. Ўтган қисқа даврда бу борада муайян ютуқларга эришдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишимиз ўз мевасини бермоқда. Зеро, бугун жойларда спортга қизиқиш изчил кучайиб бормоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазири В.Голишев, маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, халқ таълими вазири Т.Жўраев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятлари ҳокимлари У.Яманқулов, И.Нажмиддинов, И.Бобожонов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

Фуқаролар йиғини, мактаб, масъулият

60-йиллар...

Мактабимиз тўртта маҳалланнинг ўртасида жойлашган эди. Қамиш босилиб, тупроқ тортилган бу эски биноларда ўқувчилик йилларимиз ўтди. Кейинчалик эса хом ғиштдан қўшимча бинолар қурилиб, устига шифер ёпилди. Лекин паст ва иситиш тармоқларисиз қурилган бу мактаблар йилма-йил чўкиб борар, дам орқасига, дам олдига тирговучлар тираб қўйиладиган бўлди...

МАКТАБ... МАҲАЛЛАДА ЖОЙЛАШГАН

Мен бу йил биргина Ўрта Чирчиқ туманида қурилган 4 та янги мактаб ва худди янгидай таъмирланган 8 та мактаб ҳолатини кўриб ўзим ўқиган мактабни кўз олдимга келтирдим.

Янги қурилган мактабларда ҳамма нарсанинг ҳисоби олинган. Замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган, иситиш-совитиш тизимлари узоқ йилларга мўлжаллаб қилинган. Айниқса, янги қурилган мактаб биноларига туташ спорт залларининг бўлиши эса ёш авлодга бўлаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Мактаб борки, деярли барчаси маҳаллада жойлашган. Маҳалладаги энг биринчи зиё маскани ҳам, энг обод жой ҳам — мактаб.

Маҳалла ва мактабни бирлаштириб турадиган битта мақсад бор. Бугун парталарда ўтириб сабоқ олаётган, ахлоқу одоб ўрганаётган ўқувчилар эртага маҳалланинг одамларига айланишади. Эртага, "маҳалламизда бу ёмон одамлар қаердан пайдо бўлиб қолди?" деган саволга бошни қотирмасдан оила томонга бир қараб қўйсак бўлди, азизлар. Оиладан сўнг мактабга ўтинг, шу ёмонлар мактабда қандай ўқиб, қандай юрар эди, сўнг эса маҳалланинг шу одам билан бирон марта иши бўлганми ё йиғинида бориб ошни еб кетишдан нарига ўтилмаганми? Мулоҳаза учун гап кўп.

... "Олти ўғил" маҳалласининг оқсоқоли Назарбой аканинг бир одатлари бор. Мактабга бориб маҳалласидан "икки" баҳога ўқийдиган ва тартиб-интизомсиз болалар рўйхатини сўраб олади. Вақт топиб уларнинг уйига бориб, ота-онаси билан гаплашади, маслаҳат беради. Боланинг ўзи билан ҳам учрашиб мулойимлик билан "окаси, маҳаллани уялтираяпсан", деб улар билан катталардек гаплашади. Фойдаси бўлаяпти, ҳар қалай маҳаллада тотувлик-иноқлик бор, ёмон чиққани йўқ, чиқмайди ҳам.

Бу мулоҳазаларимни ўқиган баъзи маҳалла фаоллари синф раҳбарининг ёки ўқитувчининг иши ҳам бизга қолдими, деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, биз баркамол авлод тарбиясида ишни бўлиб олсак, қаттиқ янглишамиз.

Маҳалла — катта куч. Унинг фаолияти шунчалик қизғинки, у аралашмаган, у қатнашмаган бирон соҳа йўқ. Булар ичида эса ёш авлод тарбиясини фақат мактабга ташлаб қўйишнинг оқибати яхши бўлмайди.

Яқинда бир маҳаллада қизиқ тадбир ўтказилибди. Унинг мавзуси "Ўқувчиларнинг кийиниш одоби" деб танланибди. Бундоқ қарасангиз, болаларимизнинг нима кийиб юргани билан маҳалланинг неча пуллик иши бор? Мен шундай савол билан маҳалла оқсоқоли Рўзимат ака Салимовга мурожаат этдим.

— Нега ишимиз бўлмайди, ука, — дейди оқсоқол. Ахир бунинг тагида халқимизнинг урф-одати, анъанаси, қолаверса, ахлоқ-одоби ётибди-ку...

Замондан орқада қолиш керак эмас, деган гапларни мен сингдиролмайман. Ўзимизнинг замонавий либосларимиз билан ҳам ҳаммадан ўтиб юришимиз мумкин.

Оқсоқолнинг баъзи фикрлари баҳс талабдир, лекин тарбияда доимо ўзлигимиз бўй чўзиб туриши керак. Биз кимлигимизни жаҳонга танитаётган бир пайтда бундай ишларни майда-чуйда деб қабул қилмаслигимиз керак эмасми?

Янги қурилган мактабларнинг биридаги очилиш маросимида бир маҳалла оқсоқоли сўзга чиқиб шундай деганди:

— Болаларим, аввало шундай ажойиб даргоҳни сизларга туҳфа этган Юртбошимизга, ҳукуматимизга катта раҳмат. Улар келажагингиз учун шунчалик қайғуришган экан, сизлар шунга муносиб ўғил-қизлар бўлиб етишинг. Кийган кийимингиз ҳам, одобингиз ҳам, олган тарбиянгиз ҳам, юриш-туришингиз ҳам Ўзбекистон деган улуғ ота юртга мос бўлсин!

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Маҳалла майдонида

"ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" — КЕЛАЖАГИМИЗ КЎЗГУСИ

Ушбу йилда бу турнирда ярим миллиондан ортиқ болалар қатнашди

СУРАТДА: *Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Бўстон маҳалласи ёш футболчилари жамоа мураббийси билан.*

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Дарвоқе, турнир мусобақлари 11-16 ёшгача бўлган учта ёш тоифасини ўз ичига қамраб олган. Иштирокчилар юртимизнинг қишлоқ ва маҳаллаларида спортнинг футбол тури бўйича шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшлар. Маълумотларга кўра, "Футболимиз келажаги" турнирининг жорий йилги баҳсларида 546 минг 623 нафар ёшлар иштирок этган. Тузилган жамоалар сони эса 32932 та. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз айтиб ўтган ана шу юзминглаб ўсмир-ёшлар фақат турнир қатнашчилари холос. Аслида эса, "Футболимиз келажаги" мусобақаларида иштирок этиш ниятида ўз жисмоний имкониятларини ошириб, мунтазам спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони қанчадан-қанча. Қолаверса, турнирдаги ўйинларни томоша қилиб, ўз жамоасини қўллаб-қувватлаш мақсадида майдон атрофига йиғилган ёш футбол ишқибозлари сони ҳам озмунча эмас. Демак, бундан шундай хулоса чиқади: биргина анъанавий "Футболимиз келажаги" турнири орқали миллионлаб ёшлар спортга оммавий жалб этилаяпти. Яна ҳам аниқроғи, шунча ёшларнинг саломатлиги яхшиланаяпти, жисмонан етук бўлиб камол топишига эришилаяпти. Боз устига, турнир баҳонасида шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган янги ва замонавий спорт иншоотлари, кўркам ўйингоҳларни айтмайсизми. Улар ҳам келажак авлоднинг камолотида, мамлакатимизда болалар спортини оммавий равишда ривожлантириш йўлида пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти. Яна бир муҳим жиҳати, турнир мусобақалари болаларнинг айни ёзги таътил мавсумида қизғин тус олади. Бу ҳам болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, жисмоний тайёргарлигини ошириб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун қулай имконият. Қолаверса, ҳар қандай жиноят бекорчиликдан келиб чиқади, деган ибратли гапни эслаганда ҳам, ўйлайманки, "Футболимиз келажаги" турнирининг жамиятда баркамол инсонлар тарбиясига қўшаётган муносиб ҳиссаси яна бир карра ойдинлашади.

Анъанавий "Футболимиз келажаги" турнирининг ушбу йилги мусобақаларини кузатганимизда шу нарса маълум бўлдики, маҳаллаларнинг ёш футболчилар жамоалари турнир баҳсларига олдинги йилларга нисбатан анча юксак тайёргарлик билан келганлар. Беллашувлар чоғида жамоалар вакилларининг маҳорат бобида катта тажриба орттирганлари маълум бўлди. Боиси, ўтган йилларда кичик ёш тоифасида турнир мусобақаларида иштирок этган ўйинчилар бу йил катта ёш тоифасидаги ўсмирлар сафида майдонга тушдилар. Улар энди катта майдонда қандай ҳаракат қилишни биладилар, малакалари ҳам ошган. Қолаверса, бундай мусобақаларда иштирок этган ёшлардан эртага юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган истеъдодли футболчилар чиқиши шубҳасиз. Шу ўринда баҳсларнинг республика босқичлари ҳам вилоятларда ўтиши бу турнирнинг оммавийлигини оширмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида икки ёш тоифасида "Футболимиз келажаги" турнирининг республика босқичи мусобақалари якунланиб, ғолиб жамоалар аниқланган эди. Жумладан, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтган 13-14 ёшлилар ўртасидаги якуний беллашувда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Дўстлик маҳалласи вакиллари республика ғолиби бўлган бўлса, Фарғона шаҳрида 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида кечган баҳсларда Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Ғиштмон маҳалласи футболчилари биринчиликни қўлга киритди.

25-26 октябрь кунлари эса турнирнинг 11-12 ёшлилар ўртасидаги якуний ўйинлари Тошкентда бўлиб ўтди. Дастлабки учрашувда Марғилон шаҳридаги Бахрин ва Урганч шаҳридаги Юқори боғ маҳаллалари жамоалари ўзаро куч синашдилар. Ҳисоб урганчликлар фойдасига ҳал бўлди. Навбатдаги ўйинда Қарши шаҳрининг "Кунчиқар" жамоаси Андижон шаҳрининг Ал-Бухорий номли маҳалласи футболчиларига қарши тўп сурдилар. Учрашув якунида андижонликлар ғолиб чиқди. Финалда Урганч шаҳрининг Юқори боғ маҳалласи жамоаси Андижон шаҳрининг Ал-Бухорий номли маҳалласи футболчиларини 2:1 ҳисобида доғда қолдирди ва 11-12 ёшлилар ўртасида республика ғолиби бўлди. Ушбу беллашувдан сўнг турнирнинг 2005 йилги мусобақалари ўз ниҳоясига етди. Энди маҳаллаларнинг умидли спортчилари кейинги футбол мавсумида катта майдонда яна учрашадилар.

Алишер ЮНУСОВ,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви бош матахассиси,
Фаррух БЎТАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тизим муаммоси

ТЎЛОВЛАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Пойтахт туманларидан бирининг оқсоқоллари иштирокидаги йиғинда сўз навбати туман "Сувсоз" ташкилоти вакилига берилганда йиғилганлар ғужур-ғужурлаб қолишди. Чунки йиғилганлар, яъни маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари энди гап нима ҳақда кетишини олдиндан билишарди.

Бу масала ҳар бир йиғилишда кўтарилар, лекин ечим топмасдан қолаверар экан. Ташкилот вакили оғзини очмасданоқ йиғилганлар бу масалада музокарага тушиб кетишди. Йиғинда қатнашаётган ҳар бир одам масала нима ҳақдалигини тушуниб олгач, дарров пайқайди — яъни бу масалада маҳалла ва тўлов талаб қилаётган ташкилот иштирокида ечим топиш қийин, муросага келиш ҳам мумкин эмас. Нега? Негаки, бу ўринда ҳар икки томон ҳам ҳақ. Яъни тўлов талаб қилаётган ўз талабида ҳақ, тўловни тўламаётган тўламаганида ҳақ. Гап нима ҳақда? Гап маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзлари фойдаланиб турган бино ёки ҳовлилар учун сарф бўлаётган сув, электр, газ кабилар учун ва бошқа тўловларнинг ким томонидан тўланиши ёки умуман тўланмаслиги ҳақида.

Тўлов талаб қилаётган корхоналар маҳаллага кетган сарф учун тўловни ҳатто корхоналарга қўйиладиган тўловлар ставкаси даражасида тўлашни йиғин раисидан талаб қилади. Бу оддий талаб — оддий ҳақиқат. Аммо оқсоқолнинг рад жавоби ундан ҳам оддий ва ундан-да мантиқлироқ. Чунки оқсоқол маҳалла аҳли томонидан йиғинга раислик қилиш учун сайланган. Унинг бу фаолияти учун ва бошқа шу идорада штат лавозимида фаолият юритаётганларнинг маоши учун пул ажратилган. У ҳам ҳисоб рақамида эмас. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари ихтиёрига ажратилаётган йиғин ҳисоб рақамидаги бошқа маблағлар ҳам аниқ бир мақсадли — ҳисоб-китоби ўзи билан. Хуллас, бундай тўловлар учун на ажратма бор, на бошқа манба. Тўловлар суммаси эса у даражада кичкина эмаски, оқсоқол ёки бошқа ходим ўз ҳисобидан тўлаб қўйса, тўлаб қўйганда ҳам бу ноқонуний ҳол бўларди. Шундай қилиб, тармоқлар раҳбарлари маҳаллалардан тўловларни талаб қилишни қўймайди, маҳалла эса... Балки бу ечимга учинчи томон ечим топар... Балки бу ҳақда зарур ҳужжат дунёга келар.

"Mahalla" мухбири.

Воқелик ва тафсилот

ЁНГАН — КЎРПАЧАЮ, БУРҚСИГАН — "ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ"

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Борди-ю, туҳматлар учун тегишли тартибда жавобгарлик ҳақида гап кетса, бу ҳам уларга "яхшигина" дастак — "инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари" тазйиқ остига олинаётган ҳисобланади. Энг қизиғи, бугунги кунда уларга тазйиқ ўтказувчилар сафида маҳалла-кўй, унинг фаоллари ҳам тилга олинадиган бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда кашанда танишингизга сигарет қолдиғини ўчирмасдан ерга ташламасликни маслаҳат бериш жоиз бўларди. Фақатгина тозалик нуқтаи назаридан эмас. Балки сигарет қолдиғининг иссиғи ўчмасдан биронта "ҳуқуқ ҳимоячиси" туфлисини ечиб унга оёқ босиши, оқибатда сиз "ҳуқуқ ҳимоячиси" бўлгани учун атай унинг оёғини қуйдирган бўлиб чиқишингиз эҳтимоли ҳам бўлгани учун.

"Озодлик"нинг ёлғонларни оммалаштиришда "фаол" мухбири Шайбон шу йил 6 ноябрда шундай ҳикоя қилди: "Сирдарёлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамиятининг Сирдарё бўлими раҳбари Аъзам Фармоновнинг уйида содир бўлган ёнғин ҳақида хабар топганимиз заҳоти Сирдарёга қўнғироқ қилдик". Шундай қилиб, у А.Фармоновга, унинг рафиқасига, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамиятининг раҳбари, айни пайтда А.Фармоновнинг қайнотаси Толиб Ёқубовга телефон орқали ҳамдард бўлгани, уларнинг "...ёнғин шак-шубҳасиз уюштирилганлигига ишончи комиллиги" ҳақида радиоэшитувчиларга жар солди. Асос қилиб уларнинг қуйидаги каби бетайин гапларини келтиради: "...Ҳукумат ҳозирги кунгача ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига босимлар ўтказиб келаяпти, бу ҳам уларнинг навбатдаги босими бўлиши мумкин. Қилиш керак бўлган ишни қилди-да... Агар ёнғин электрдан чиққан бўлса, ҳамма ер куйиб кетиши керак". Қизиқ, нега энди? Олов электрдан чиқса ҳамма ер ёниши керак экану, бошқача, яъни, ҳукумат ёндирса ҳозиргидек фақат бир нечта кўрпача, бир сандиқ, бир палос зарарланиши керак экан? "Балконнинг ойнаси йўқ эди, биз у ерга целлофан тутиб қўйган эдик, оловни ана шу ердан ташлашган". Булар қуёвтўранинг "далил"лари. Унинг юқорироқ лавозимдаги раҳбари ва қайнотаси ўз "далили"ни қуйидагича баён этади: "Олов балкон томондан отилгани учун балконга ҳеч нарса қилмаган, ичкарида битта хонача бор, унга ҳам ҳеч нарса қилмаган. Ўртада бир каттароқ хона бор. Ана ўша хонадаги кўрпачалар ёнган, нимагадир у ердаги 2 та гилам ёнмаган". Тушунишимизча, Т.Ёқубовнинг "нимагадир"ида ҳам нимадир бор. Нима, оловни ёқувчининг гилам билан иши йўқ, кўрпачада бир гап бор, шунинг учун ҳукумат балконнинг очиқ ойнасидан туриб кўрпачани нишонга олган, демоқчими?! Биз бу гапларни айтиш бетайинлик, дедик. Дунёнинг мана-ман деган кучли мамлакатлари билан бугун ҳар қандай вазиятда теппа-тенг музокаралар олиб бораётган ҳукуматнинг балкон деразаси ойнаси ўрнига "целлофан тутиб қўйган" (ахир вазифасининг даъвоси катта-ку, ҳомийлари қаёққа қаради экан) бир вайсақи билан кўрпача қуйдириб ўйнашиши ҳақида гапириш ундан ҳам ортиқроқ бетайинликдир.

"Ҳуқуқ ҳимоячиси" қайнотанинг (Аслида-ку Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси масаласи шу қайнота-куёвга қолгани йўқ!) ёнғин ўчиришни уч минутдан сўнг бошлаган ўт ўчирувчилардан ҳам ғумони бор шекилли "...ўт ўчирувчиларнинг сувлари ҳамма ерни расво қилиб юборган" дейди у. Оловни сув билан ўчирмасдан... супургида силайдими? Яна у турли идоралардан ҳам гина қилади: "...келишди, кўришди, аниқлашди, ундан нарига ўтишгани йўқ". Т.Ёқубов телефон орқали бу гапларни айтаётганда "ундан нари" деганда қаёқни кўзлаганини билолмадик. Унингча, яна нима қилиш керак эди шу тобда? Агар "ундан нари" деганда идоралар ходимларининг келишгани, кўришгани, аниқлашгани оқибатидаги хулосаларни назарда тутаётган бўлса, мана ўша хулосалар: аниқланишича, ўша ёнган кўрпа-тўшак турган хона деворида кўрпа-тўшакка тегиб турган электр розетка бўлиб, ундаги қисқа туташув туфайли олов чиққан. Бу ҳолат ёнғин хавфсизлиги ходимлари текшируви давомида розетканинг қуйган қолдиқлари, розетка турган девордаги тутун ўрни каби далиллар билан тасдиқланган. Хуллас, оқибатда "ҳуқуқ ҳимоячилари" ҳам, уларнинг ҳимоячиси — "Озодлик" радиоси мухбири ҳам ўша ўчган олов тутунидан-да аччиқроқ тутун мисол бурқсиб қолишди. Зотан, REGNUM ИА, "Фергана.Ру." орқали ҳам уларнинг кўрпача баҳонасидаги бу хурмача қилиқлари фош этилди.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
журналист.

Сурхондарё вилояти

МУЗРАБОТ МАҲАЛЛАЛАРИДА

Музработ туманидаги тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўттиз олтита маҳалла жойлашган. Туманда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Оқтош, Хўжаипок, Янгиобод сув сақлаш иншоотлари орқали туман аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланган.

— Муваффақиятларимиз йилдан-йилга кўпайиб бораяпти, — дейди, туман ҳокими Пардабой Жўраев. — Асосийси, халқимиз тўқ, дастурхони тўкин. 29 минг 200 нафар ўғил-қизларимиз 54 та умумтаълим мактабларида, 2 та лицейда, таълим-тарбия олаётган бўлса, 1622 нафар ёшлар коллежларда касб-ҳунар ўрганмоқда. Болалар боғчалари сони 18 та. Уларда тарбияланаётган болажонлар 1150 нафардан ошиқ. Ёшларни жисмоний чиниқтириш масаласи ҳам эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Ҳозир 281 та спорт ўйингоҳларига, 22 та ёпиқ залларга, 46 та футбол, 84 та волейбол майдончаларига эгамиз.

Сиҳат-саломатлик йилида эл-юрт саломатлиги йўлидаги ишлар самарали. Шифо масканлари таъмирланган. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 125 нафар ҳаким, 880 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилаётган 3 та шифохона, 11 та ҳакимлик пункти, 5 та қишлоқ ҳакимлик амбулаторияси музработликлар хизматида.

Ўтган давр мобайнида туман қиёфаси тубдан ўзгарди, ички кўчалар, турар жой бинолари таъмирланди. Маданий-маиший иншоотлар қурилди.

Бу ишлар ҳозир ҳам кенг кўламда давом эттирилмоқда.

Айниқса, Ободон қишлоқ йиғинидаги Янги ер, Олтинкўл, Деҳаиболо, Назари, Музработ қишлоқ йиғинига қарашли Наврўз, Дўстлик, Сополлитепа, Қозоқ оёқли, Халқобод қишлоқ йиғини тасарруфидаги Дарбанд, Қаҳрамон, Аржун, Ч.Қувондиқов номли, Гулистон қишлоқ йиғинига қарашли Гагарин номли маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Халқ оқсоқоллар билан ҳамфикр, якдил. Уларга маданий-маиший ҳамда савдо хизмати кўрсатиш тўлиқ йўлга қўйилган.

Маҳалла йиғинлари оқсоқоллари фаолияти элни эзгу ишларга сафарбар этиш, уларни амалга оширишга бош бўлиш борасида кўраётган изчил тадбирлари билан кўзга ташланади. Бу оқсоқолларнинг юксак билимдонлигига, дунёқарашининг кенглигига боғлиқ. Шу сабабли маҳалла йиғинлари раис ва котибларининг малакасини оширишни назарда тутиб, ҳар ойда битта маҳаллада ўқув-семинари ташкил этилаяпти. Унда қишлоқ ва маҳалла йиғинлари оқсоқоллари, котиб, посбонлар сардори билан бирга тумандаги ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари иштирок этмоқда. Муаммоли масалалар ўша ернинг ўзида ҳал қилиб олинмоқда. Бу эса маҳалла фаолиятида ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Ҳа, ушбу саъй-ҳаракатлар бир эзгу мақсадга қаратилган: маҳалла ривожланса, юрт равнақ топади, одамлар турмуши янада яхшиланади... Зеро, Музработда бугун амалга оширилаётган ҳар бир хайрли иш замирида ҳам ана шундай мазмун-моҳият мужассам.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

ҲАР ИШНИНГ ЎЗ ЙЎРИҒИ БОР

Ҳамкорлик ҳудудда қатор хайрли ишлар амалга оширилишига хизмат қилаяпти

Самарқанд шаҳрида Мир Саид Барака ҳазратлари номи билан аталадиган маҳалла бор. Бу ерда 14 миллат вакилларидан иборат 2500 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

Кейинги йилларда маҳалламизда ижтимоий-иқтисодий соҳада катта ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, аҳолининг кундалик эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳудудда маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари сони кўпайди, фаолият доираси кенгайди.

Маҳалламизда спортни ривожлантириш учун ҳам етарлича шарт-шароит яратилган. Ҳудудда бунёд этилган замонавий спорт мажмуи керакли жиҳозлар билан таъминланган. Унинг қошида фаолият кўрсатаётган спорт тўгараклари ҳам айни пайтда турли ёшдаги фуқаролар, болалар ва ўсмирлар билан гавжум. Бунинг самараси ўлароқ вилоят ва туман миқёсида ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларида маҳалла ёшлари юқори натижаларга эришмоқдалар.

Дарвоқе, маҳалламизда "Сиҳат-саломатлик йили" дастури доирасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаяпти. Бу борада ҳудудда жойлашган поликлиника шифокорлари ва йиғин ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлаяпти. Йил бошидан буён поликлиника ходимлари аҳолини икки марта тиббий кўрикдан ўтказдилар. Ундан ташқари, фуқаролар ўртасида саломатликни сақлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этилди, тарғибот ишлари олиб борилди. Шунингдек, яқинда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" жамғармаси вилоят ва шаҳар бўлими ҳамда бўлинмалари ҳамкорликда ташкил этган "Сен оила қуришга тайёрмисан?" мавзусидаги кўрик-танлов маҳалла қизларининг тушунча ва тасаввурларини бойитишга, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга хизмат қилди.

Халқимизда сариштали уй — фариштали уй, деган нақл бор. Маҳаллада яшовчи ҳар бир хонадон аъзоси бугун ана шу нақлга амал қилмоқда. Қолаверса, бундай яратувчанлик кайфияти билан яшаётган одамлар маҳаллани тоза ва озода масканга айлантириш, ҳудудни ободонлаштириш ишига ҳам бефарқ қараётганлари йўқ. Яқинда шаҳар миқёсида ўтказилган кўрик-танловда маҳалланинг "Энг обод маскан" деб топилиши ҳам ушбу фикримизнинг яққол исботи бўла олади.

Б.САЛИМОВ,
ветеринария фанлари доктори, профессор, маҳалла Фахрийлар кенгаши раиси;
И.СИРОЖИДДИНОВА,
маҳалла маслаҳатчиси.

Олам турфа

ЧАРМДАН ПУЛ

Аляскада Россия-Америка компанияси фаолият кўрсатган даврда (1799-1867 йиллар) компания ишчиларига маош тўлаш учун чарм пуллар муомалага чиқарилган.

Бундай пуллар биринчи марта 42 минг сўм миқдорида 10 минг нусхада тюлен терисига чоп этилган ва 1816 йилдан 1826 йилгача муомалада бўлган. Бу пуллар 1,2,5,10 ва 20 сўмлик банкнотлардан ташкил топган. 1926 йилда компания яна янги пул чиқарди, улар дағал терига чоп этилган бўлиб, ундан тери тангалар ҳам ишланган (10,25 ва 50 тийин).

Бинобарин, пул бирликлари 1867 йил — Аляска АҚШга сотилгунга қадар муомалада бўлган.

ПУЛ ЎРНИДА — ДАСТРЎМОЛ

Индонезиянинг Бутунг ороли аҳолиси бундан бир неча аср муқаддам одатдан ташқари пул бирлигига эга бўлган. Ўшанда ерлик аҳоли пахта ипидан тикилган катта дастрўмолни пул ўрнида ишлатишган.

...ҚОПҚОНЛАР

Ғарбий Германиянинг Мактовердорф шаҳрида дунёда ягона бўлган сичқон тутадиган қопқонлар музейи бор.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар шиша тўсиқлар ортида эмас. Ҳар бир томошабин уларни қўлига олиб қандай ишлашини синаб кўриши мумкин. Агар томошабинга қопқон ёқиб қолса, музей хизматчилари бундай қопқонни қандай ясаш йўлларини ўргатишади. Ҳоҳловчиларга унинг чизмаси ҳам тақдим этилади.

Инсонпарварлик қалб амри

"МУРУВВАТЛИЛАРДАН МИННАТДОРМАН!"

Яқинда меҳнат таътилига чиқиб, Сирдарё вилоятига йўл олдим. У ердаги Мурувват уйида онам даволанаётганди. Йўлмайўл янги барпо этилаётган иншоотларни томоша қилиб кетдим. Рости дилим яйради. Термиз, Қарши, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Гулистон шаҳарларидаги улкан иншоотлар юртимиз жамолига янада кўрк бағишлаган.

Шу кайфият билан Мурувват уйига кириб борар эканман, у ердаги шарт-шароитларни кўриб кўнглим яна қувончга тўлди. Соғлик қадрини хаста инсондан кўра яхшироқ биладиган киши бўлмаса керак.. Бундай пайтда уларга ширин сўз ва меҳрибончилик малҳамдек таъсир кўрсатади.

Мурувват уйидаги шифокору ҳамшираларнинг бу ерда даволанаётган руҳий хаста инсонларга худди ўз жигарларидек муносабатда бўлаётганининг гувоҳи бўлдим. Шу ердаги маҳалла оқсоқоллари ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан уларга яқиндан ёрдам бериб келаётган эканлар.

— Хаста кишининг кўнглини кўтариш, уларнинг дардига шифо бўлиш бизнинг касбий, қолаверса, инсоний бурчимиз, — дейди Мурувват уйи раҳбари, шифокор Акмал Шомуродов камтарлик билан.

Ҳа, бу ерда инсоний бурчини сидқидилдан адо этаётган шифокорлар анчагина. Айниқса, катта ҳамшира Манзура Романованинг хизматлари таҳсинга сазовор. Ана шундай шифокорлар туфайли руҳий хаста беморлар даво топиб, ўз оилаларига қайтаётган экан.

Мурувват уйидан қайтарканман, кўнглим алланечук ёруғ ҳислардан лиммо-лим тўлиб бораётганлигини ҳис қилдим. Бу самимий, меҳрибон ва фидойи инсонларга миннатдорчилик туйғуси эди.

Элмурод ЮЛДОШЕВ,
Қумқўрғон тумани Оқсой маҳалласи.

МИСКИН КЎНГИЛЛАРГА МАЛҲАМ

Сергели тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда бошқа бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида Рамазон ҳайити муносабати билан ана шундай хайрия тадбири ўтказилди. Тадбирга таклиф этилган 500 нафарга яқин ногирон ва якка-ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд оилаларга ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар топширилди.

СУРАТЛАРДА: *хайрия тадбиридан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.





Тошкент шаҳри

Андижон вилояти

МУРОЖААТ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

ЁКИ "ОМАДТРАНС"НИНГ ЯНГИ ТУҲФАСИ

Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолининг талаб-истаклари асосида жорий йилнинг апрель ойида Андижондаги "Омадтранс" ширкат хўжалиги раиси Қодиржон Мансуровга туман марказига автобус қатновини йўлга қўйиш юзасидан мурожаат қилган эди.

Яқинда қишлоқ аҳлининг бу истаги амалга ошди. "Қўрғонтепа — Ойим — Дардоқ" йўналиши бўйича замонавий "Отайўл" русумли автобуслар қатнови бошланди. Авваллари такси йўналишли автомашиналарда 400-500 сўм эвазига туман марказига борадиган йўловчилар эндиликда 200 сўм билан манзилга етишлари мумкин.

— Бу қулайликдан қишлоқ аҳли миннатдор, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Авазбек Ғанижонов. — Вилоят ҳокимлиги кўмагида, " Омадтранс" ширкат хўжалиги бошчилигида амалга оширилган ушбу хайрли иш энди Дардоқ фуқароларининг ишини анча енгиллаштиради.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

ГУРЛАНДА ЯНГИ ГУЗАР

Гурлан тумани Гурлан шаҳарчасидаги 5-маҳалла фуқаролар йиғинига Фарҳод Ёқубов раислик қилиб келмоқда. Яқинда маҳаллада кенг кўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Яқин пайтгача маҳалла ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш корхонасига қарашли эски омборхона фойдаланилмасдан қаровсиз ҳолда ётарди. Оқсоқол маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат ушбу ташландиқ бино ўрнида гузар бунёд этишга киришди. Дастлаб атрофига бадавлат инсонларни, тадбиркорларни тўплади, корхона ва ташкилотлардан ҳомийлик ёрдами сўради. Натижада тез орада замонавий гузар биноси қурилиши ишлари бошланиб кетди. Маҳалла аҳли ҳашарга чиқди, маҳалла фуқаролар йиғини, "Амударё", "Деҳқонобод" ширкат хўжаликлари, "Гурлан автохизмат" масъулияти чекланган жамияти ҳамда саховатпеша инсонлар ҳисобидан қурилишга маблағ ажратилди. Яқин кунларда ишга туширилган ушбу замонавий гузарда айни пайтда 17 турдаги маиший хизмат шахобчалари фаолият олиб бормоқда.

Зебарой ҚЎЧҚОРОВА

Оқсоқолнинг муаммо ечимида тутган ўрни қандай?

Сирдарё вилояти

КЎПҚАВАТЛИ УЙ ҲОВЛИСИДА ...КЎПАЯЁТГАН „ФЕРМА"ЛАР

Бугунги кунда маҳалланинг одамлар турмушида тутган ўрни қандай? Фуқароларнинг жамият олдидаги ҳуқуқий ва маънавий бурчларини тўғри англашларида жойлардаги йиғинлар кенгашлари, уларнинг мутасаддилари ҳиссаси қанча? Бу саволларга ўринли жавоб топиш жуда осон, чунки мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти, ҳукуматимиз томонидан фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мавқеини оширишга қаратилган ўнлаб қарорлар, фармонлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани барчамизнинг кўз ўнгимизда. Бугунги кунда маҳалла тизими фаолиятини ривожлантириш ишига ҳисса қўшишдан четда турган ташкилот, корхона, муассасалар кам топилади.

Лекин шундай бир вазиятда тегишли меъёрий ҳужжатларга хилоф иш тутилаётган, қонунбузилишига йўл қўйилаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Айрим йиғинлар раисларининг бундай ҳолатларга бефарқ қараётгани, айниқса, ўзларининг ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги туфайли қонунбузилишлар сабабчиси бўлиб қолаётгани ачинарли ҳолдир. Масалан, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги фуқаролар йиғинларидан биридаги ўнлаб фуқаролар-нинг ўзаро тортишуви, турли муассасаларга аризабозлик сабаби қуйидагидан иборат: тўртта кўп қаватли уйнинг умумий ҳовлисида шу уйда истиқомат қилувчиларнинг айримлари ўз шахсий манфаатлари учун ўзбошимчалик билан 30 дан ортиқ турли қурилишларни амалга оширганлар. Устига-устак, уларнинг аксариятида курка-товуқ, қўй-эчкию чўчқалар боқилмоқда. Бу ўзбошимча "фермер"-ларнинг биргинасига тегишли қўй-қўзилар сони бугунга келиб 20 тадан ошган! Бу — бирон фермер хўжалигидаги эмас, Гулистон шаҳрининг қоқ марказида, кўпқаватли уйлар ҳовлисидаги ҳолат... Кўпқаватли уйларнинг ҳовлисида қўю эчкилар, куркаю товуқлар кезиб юриши ажабтовур манзарадир. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилмаган ҳолда қурилган ва ишлатилаётган тандирларни айтмайсизми? Ҳовлида шу уйларда истиқомат қилувчи оилаларнинг фарзандлари учун бирон спорт майдончаси ташкил қилиш ҳақида қайғуриш ҳеч кимнинг, ҳатто йиғин раисининг ҳам хаёлига келмаяпти. Ҳолбуки, шаҳар ҳокимлиги, шаҳар архитектура бўлими мутасаддиларининг бу биноларни дарҳол бузиш ҳақидаги махсус қарорлари бор. Чунки бу ҳолат умумий ҳовлидаги санитария-гигиена тартибларини бузишдан ташқари шаҳримизнинг архитектура кўринишини ҳам бузмоқда. Ушбу ҳовлига ёндош бўлган қўшни ҳовлида эса болалар учун майдонча, ўриндиқлар мавжуд, гуллар экилган. Раис бу ҳовлини ибрат қилмоқчи бўлганларга "Хўш, тандир кимга халақит беряпти, биз фуқароларимиз истагига қарши бормаймиз" деган тутуруқсиз жавобни беради. Хўш, бу ўзбошимчаликка қўшилмаган яшовчиларнинг айби нимада? Уларнинг истагини ким инобатга олади?

Аввало, қонунларни четлаб ўтишга ҳеч ким, жумладан, фуқаролар йиғини кенгаши ҳам ҳақли эмас. Иккинчидан, фуқаролар юқори ташкилотлардан амалдаги қонунларга зид келмайдиган истак-хоҳишлари учун имконият сўрашлари керак-ку. Менимча, бу муаммо ечим топиши учун энг аввало, йиғин оқсоқоли тегишли қонунлар талабини ва ўз вазифаси моҳиятини англаб олиши зарур бўлса керак.

Людмила МАХНАКОВА

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!
Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Навоий вилояти

Вилоят адвокатлар ассоциацияси "Маҳалла" жамғармаси Навоий шаҳар бўлинмаси билан ўзаро ҳамкорликда аҳоли орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли қатламларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун маҳаллаларда бепул адвокатлик хизмати ташкил этди.

АДВОКАТЛАР МАҲАЛЛАДОШЛАРГА

Адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакллари, адвокатлар ҳайъати, фирма ва бюроларнинг шарт-шароитлари ўрганилган ҳолда ҳар бир маҳаллага бир нафар малакали адвокат бириктирилди ва уларга ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Ҳозир адвокатлар томонидан аҳолига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар, тушунтиришлар ва қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки маълумотлар бериляпти. Адвокатларнинг қабул кунлари тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари зиммасига юклатилган.

МУХБИРИМИЗ

Машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов ҳаётидан

ОЛТИН ОЛМАЙ ДУО ОЛГАН ҲОФИЗ

Енгил машина Тошкенту Сирдарёни ортда қолдириб Жиззах йўли бўйлаб Хоразм томон елиб борарди. Шаҳарлар ортда қолиб, об-ҳавоси сўлим, тароватли қишлоқлар бошланганч, Комилжон ака ҳамроҳи Отаназар оғага юзланди:

— Шу ерда тўхтаб бироз оёқнинг чигилини ёзиб олайлик, Отаназаржон.

Ҳайдовчи йўл чеккасига соя солиб турган дарахтлар тагида, шундоқ бедазор дала ёнида машинани тўхтатди. Кун ботай деб қолган, кундузги иссиқ пасайиб, бедазордан киши димоғини қитиқлайдиган тароватли бўй таралиб, аллақаерда басма-басига беданалар сайрарди.

— Ух, бу ўлканинг қушлари ҳам бир ҳофиз, билсанг, Отаназаржон! — деди, завқи келиб Комилжон ака.

— Топиб айтдингиз, устоз, қаранг, чигирткаларнинг чирилашини, худди улкан бир оркестрнинг ўзи, — деди Отаназар оға бедазор четидаги ариқдан ичкари томон ҳатлаб ўтар экан.

Ҳайдовчи йигит машинасининг орқа ўриндиғидан кўрпача олиб келиб тизза бўйи келиб қолган майсалар устига тўшади. Учовлон ёнма-ён ўтиришди. Табиатнинг сокинлигини катта йўлдан ўтаётган машиналар шовқини бузаётганини ҳисобга олмаганда олам хуштабиат, ёқимли эди. Кутилмаганда Комилжон ака сергакланди, хиёл бошини ўнг томонга буриб, кўрсаткич бармоғини юқори кўтарди, кўзлари чақнаб, юзига ширин табассум ёйилди-ю, энтикиб кетди.

— Эшитаяпсанми, Отаназар? — деди, у алланечук ҳаяжонда.

Ҳайдовчи билан Отаназар оға жим қулоқ солишди. Олисда, элас-элас кўриниб турган уйлар томондан шўх куй таралиб, қўшиқ янграрди:

Мастона юрганча ғайри юртларда,
Ўниб-ўсган ўз юртингдан айрилма...

Ўша томондаги уйларнинг бирида магнитафондан Комилжон ҳофизнинг қўшиғи қишлоқ кенгликлари оралаб кезиб, сўлим табиатнинг бағрида ўзгача завқ-шавқ билан тараларди.

Комилжон ака ўз қўшиқларини эшитганда ёш боладай ҳаяжонга тушар, қалбидаги қувончини жаҳонга сиғдира олмасди. Бу гал ҳам шундай бўлди. У ҳаяжонланганидан ўрнидан туриб кетди. У бирор тўлиқ жумлани айта олмас, ўзи билан ёнма-ён турган Отаназар доирачига нуқул:

— Отаназар, Отаназар! — деярди энтикиб.

Бир неча дақиқадан кейин Комилжон аканинг ҳаяжони бироз босилди, машина томон юрар экан қатъий оҳангда:

— Кетдик, ўша томонга, — деди.

Машина торгина чанг йўлга бурилиб, қўшиқ таралаётган томонга елди. Олдинда қатор уйлар кўринди, қишлоқ кўчасини тўлдириб хотин-халаж, чопон кийган ёшу қари куй эшитилаётган манзил томон боришарди.

— Устоз, ҳойноҳой тўй бўлаётибди-ёв, бу ерда, халойиқни қаранг, — деди Отаназар оға машиналарга йўл бериб икки чеккага чиқаётган халойиқни кўрсатиб.

Улар ҳақиқатдан ҳам тўй устидан чиқиб қолишган эди. Ҳайдовчи тўйхонадан эллик метрлар чамаси берида машинани бир чеккага чиқариб қўйди.

— Отаназар! — деди Комилжон ака орқа ўриндиқда, Отаназар оғанинг ёнбошида турган ғилофни очар экан, бир хизмат қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди, — унинг овозида жиддийлик бор эди.

Ҳофиз орқа ўриндиқда ўтирган кўйи тор созлай бошлади. Комилжон аканинг ниятини тушунган Отаназар оға зумда доирасини халтачасидан чиқариб олди.

Комилжон ака машинадан тушар-тушмас "Тўйлар муборак" куйини чалиб, ашула бошлади. Унинг оташ нафас овози энди қайсидир хонданданинг ашуласини таратаётган магнитафон овозини босиб кетди. Булутсиз осмонда мамоқалдироқ туриб, ер титрагандаям унчалик таъсирли бўлмасди, шу дамда. Аммо Комилжон аканинг тўйхона томон секин одимлаб боратуриб айтаётган қўшиғи келаётганларни таққа тўхтатиб қўйди. Тўйхона аҳли танига ток теккандек бир қалқиди. Кимдир ҳаяжонда тек қотиб қолган, кимнингдир оғзи ярим очиқ тиржаяр, кимнингдир кўзларига ёш келди. Гўё тўйхонада мўъжиза рўй берганди. Қўшиқ тинди. Комилжон акани ўраб олган халқ кўзларига ишонмас, бир-бирига худди сехрлангандек "Комилжон, бу Комилжон ака, ё Пирим-эй" дейишарди нуқул.

Комилжон ака оқсоқоллар билан, сўнгра атрофдагилар билан кўриша бошлади. Шунда давра иккига бўлиниб, кутилмаганда Комилжон аканинг оёқларига жиккакгина, соқолига оқ оралаган чол тиз чўкди, титроқ қўллари билан унинг оёқларидан қучиб йиғлай бошлади.

— Қадамларингдан айланай, ҳофизим, йўлларингга гул битсин, ҳофизим! — деди елкалари титраб.

Комилжон ака чолнинг бу ишидан бироз хижолат чекди. Сўнгра оёқларини қучиб турган чолни қўлтиғидан тутиб кўтарди-ю, бағрига босди. Кўзлари ёшланиб турган атрофдаги одамлар Комилжон аканинг кўзларида ҳам ёш кўрдилар. Бу ёшлар севинч ёшлари, юрак-юракдан сизиб чиққан миннатдорчилик ёшлари эди. Ҳали Комилжон аканинг оёқларига тиз чўкиб қучоқлаган чол тўй эгаси экан. Якка-ю ёлғиз ўғлининг тўйини қилаётган бу чол оддий деҳқон бўлиб, тўйига хонандаю созандаларни олиб келолмаган, шу сабаб тўйхонада магнитафон қўйишган экан.

Комилжон ака юракдан куйлар, миннатдор одамлар ўз куйчисига олқишлар билан қувват бағишларди. Тўй тонгга яқин тарқади. Созга ташна одамлар тўйхонадан истар-истамас, орқаларига қарай-қарай кетишди. Шу оқшом тонг отмаслигини тилаган мухлислар сон-саноқсиз бўлди. Комилжон ака даврадан тушган бир бўхча пулни тўй эгасига берганида оломон бу тантиликдан яна бир қалқиб қўйди. Шу куни халқ: "Комилжон ака йигирмадан ортиқ қўшиқ айтди", "ўттиздан ортиқ" дея бир-бирлари билан тортишишди.

Эртасига Комилжон ака билан ҳамроҳлари келин саломини олишиб, йўлга отланишди. Уларни бутун қишлоқ аҳли кузатиб, йўлга чиқишди. Тўй эгаси бир оқшомда шунчалик яшариб кетган эдики, ҳатто юзидаги ажинлари ҳам кўринмасди. У нуқул жилмаяр, такрор-такрор: "Сизни менга худо етказди! Сизни менга Ҳизр етказди!" — деди холос. Енгил машина Хоразм йўлига тушгунча одамлар изига қайтишмади. Комилжон ака тушган машина кўзга элас-элас кўриниб қолганда ҳам миннатдор одамларнинг қўллари ҳавода силкиниб турарди.

Оқшом чарчоғини писанд қилмаган Комилжон ака машинанинг ойнасини туширириб юзини юрт шамолига тутар экан, завқи тошиб деди:

— Отаназаржон, шу оқшомнинг дилга берган қуввати учун ҳам шу халққа бир умр хизмат қилсанг оз!

Шу дақиқаларда бир мўминнинг ҳожатини чиқариб, оддий халқнинг олқишини, дуосини олган куйчидан бахтиёр одам йўқ эди дунёда.

Хушнуд ЁҚУБЖОНОВ

Тошкент шаҳри

Юртимизда байраму сайллар болажонларсиз ўтмайди. Чунки ана шундай қувончли дамларга айнан уларнинг шодон кулгилари-ю, бахтиёр чеҳраларидаги табассум файз бағишлайди. Ёш авлоднинг хурсандчилигини кўриб, эртанги кунимиз фаровонлигига ишончимиз янада ортади...

Юнусобод туманидаги Уста Ширин маҳалласида жойлашган 143-мактабнинг иқтидорли ўқувчилари маҳаллада ўтадиган ҳар бир тадбир қатнашчиларига завқ-шавқ бағишлайди.

Диққат, танлов!!!

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон аёлларининг нуфузини ошириш, жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва уларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида

"БАХТИМИЗ ҚОМУСИ"

номли хотин-қизлар ҳаёти, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ютуқ ва камчиликлар, Ватанимиз равнақи йўлида қилинаётган ишлар ҳақида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва фотокўргазмалар

кўрик-танловини эълон қилади.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг сиёсий фаоллиги, орзу-интилишлари, ижодий зафарлари, ҳуқуқий тизимда самарали меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги лавҳалар, фотокўргазмалар, кўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилади.

Кўрик-танлов ғолиблари 2006 йил 8 март халқаро хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вил оятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар қўмиталари мазкур кўрик-танловни алоҳида ўз ҳудудларида ўтказадилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
700129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.
Тел/факс: (998-71) 139-40-42, 139-40-12, 135-74-67, 135-73-89.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси

МУҲАББИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Янги малумотларни текшириб кўришни унутманг. Юмушларни бировларлар кўмагига эмас, ўз салоҳиятингизга ишонган ҳолда бажаринг.

СИГИР(22.04-20.05)
Атрофингиздаги кишилар ва оила аъзоларингиз билан қанчалик самимий бўлсангиз, муаммоларингиз шунчалик осон ҳал бўлади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунлардаги келишмовчиликлар тез ва асоратсиз ҳал бўлишини истасангиз, ҳамкасбларингиз кўмагини рад этманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ўзингизга бўлган талабчанлигингиз сизнинг ютуғингиздир. Аммо шу кунлардаги ишга эътиборсизлигингиз танқид остига олиниши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Айни кунларда кўчмас мулк билан боғлиқ муаммолар ечимини изламанг. Ундан аввал оилавий муаммоларни ҳал қилинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айрим масалалар юзасидан танишлар кўмагига суянишингиз мумкин. Шахсий юмушларни дам олиш кунларига қолдиринг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда молиявий жиҳатдан муаммолар юзага келиши эҳтимол. Шу билан бирга жисмоний толиқишингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Келгусидаги ишларингизда фойдаси тегиши мумкин бўлган кишилар билан танишасиз. Фарзандлар тарбиясига жиддий ёндошинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Режа ва мақсадларингиз амалида сизга рақиблар топилиши аниқ. Шундай экан, режаларингизни сир сақлашни унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Муҳим вазифаларга киришишдан аввал ўз салоҳиятингизни синаб кўришни унутманг. Шундагина мақсадга эришасиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Илгари бошланган ишларингизни якунлаб қўйишни унуманг. Оиладаги муҳит сизнинг кайфиятингизга албатта боғлиқ бўлади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Сиёсий масалалар муҳокамасига айни кунларда киришмаганингиз маъқул. Сайёҳат қилишни ҳам кейинга қолдиринг.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. жойи — 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

М.Улуғбек тумани 248-ўрта мактаб томонидан 1999 йил 11 июлда Хидоятов Шерзод Дильшодович номига берилган 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги O'R-Z 337989 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Юнусобод туманидаги ЧП "ISMAILOV RUSTAM ISLOMOVICH"га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Яккасарой туманидаги "Ҳолмурот-таом" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар муддати — 1 ой.
Телефон: 54-06-68.

Крупнов Северьян Александрович номига Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан 1993 йил 8 февралда берилган 11-01/1966 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

1993 йил 8 декабрда Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан Гараев Алексей Александрович номига берилган 11-02/222 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
БАССЕЙНЛАР;
АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE
ВЕСЕЛЫЕ ГОРКИ
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ЭЪЛОНЛАР

"LABZAK - KOM" шўъба савдо ишлаб чиқариш хўжалик жамияти "LABZAK - KOM" МЧЖга айлантирилмоқда.
Манзил: **У.Юсупов кўчаси, 76-уй.**

М.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи томонидан 2003 йилда Иноғомова Саодат Комилжоновна номига берилган 305 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7028 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-122
1 2 3 4 5
Топширилди —